



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№25 (978)

2026 йил 10 апрель, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Курилишда
интеллектуал
инқилоб



Сурхондарёда дам олиш масканлари барпо этилмоқда

Худудларда қурилиш соҳасида белгиланган вазифалар ижроси, амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ҳолати Денов, Узун ва Сариосиё туманларида агрофлича ўрганилди. Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов ўрганиш ишларини Денов туманидан бошлаб, йирик савдо мажмуаси – "Denov Mall" қурилиш жараёни билан танишди.



Сурхондарёда янги лойиҳалар ўрганилди.

Файрат БҮРИЕВ,
Термиз тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати раҳбари.

Шунингдек, "Саид Оталиқ" мадрасаси ва Мустақиллик кўчаси оралиғида жойлашган худудда тарихий архитектура услубида барпо этилаётган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини ўз ичига олган, туну кун фаолият юритувчи туризм кўчаси лойиҳасининг ижроси кўздан кечирилди.

Шундан сўнг, Денов тумани ҳокимлигида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи

тадбиркорлар билан учрашув ўтказилди. Унда тадбиркорларнинг мурожаат ва таклифлари тингланиб, кўтарилган масалаларни ҳал этиш, таклифларни чуқур ўрганиш ва амалиётга жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Шу билан бирга, мутасаддиларга инфратузилма лойиҳаларида маҳаллий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, сифат талабларига қатъий риоя қилиш ва ишлаб чиқарувчилар билан манзилли ишлаш юзасидан топшириқлар берилди.

Денов туманидаги ўрганишлар давомида савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари ташкил этиш, кўп қаватли турар жойлар ва Ёшлар технопарки қурилиши, шунингдек, Қизилсув дарёси бўйида амалга оширилаётган тадбиркорлик лойи-

ҳалари билан ҳам танишилди. Лойиҳаларни амалга оширишда экологик талабларга қатъий риоя қилиш ва яшил худудларни кенгайтириш бўйича вазифалар белгиланди. Шу ернинг ўзига тижорат банклари иштирокида корхоналарни соғломлаштириш, фаолияти тўхтаган субъектларни тиклаш ҳамда кредит қарздорликларини камайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўрганиш ишлари Узун туманида давом эттирилди. Дастлаб, Наврўз маҳалласи худудида фойдаланилмаётган 10 гектар ер майдонида "Янги Ўзбекистон" массиви лойиҳаси тақдими ўтказилиб, қурилиш ишларига старт берилди. Шу тариқа вилоятда "Янги Ўзбекистон" массивлари барпо этилаётган туманлар сони

еттигача етди. Бундан ташқари, Янги шаҳар маҳалласида 3 гектар майдонда кўп қаватли турар жойлар мажмуаси қурилиши бошланди.

Вилоят ҳокими томонидан туманда махсус штаб ташкил этиб, янги лойиҳа ва турар жойлар қурилишини доимий назоратга олиш, шунингдек, қурилиш инспекциясига ҳар бир лойиҳанинг барча босқичларида қўлланилаётган материаллар сифатини таъминлаш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ўрганиш ишларининг навбатдаги манзили Сариосиё туманида барпо этилаётган "Сангардак" туризм комплекси бўлди. Бу ерда "Doppelmau" компанияси томонидан қурилган замонавий канат йўли кўздан кечирилди. Шу-

нингдек, 615 гектар майдонни қамраб олган туризм комплекси доирасида амалга оширилаётган бошқа лойиҳалар, жумладан, ичимлик суви, электр таъминоти ва йўл инфратузилмаси қурилиши билан танишилди. Масъулларнинг ҳар бир лойиҳа бўйича ҳисоботлари тингланиб, худудда янги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қўшимча вазифалар белгилаб берилди.

Ўрганишлар якунида қурилиш соҳасидаги давлат дастурлари, халқаро молия институтилари иштирокида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, кунлик кўрсаткичларнинг бажарилиши таҳлил қилиниб, келгуси вазифалар белгилаб олинди.



Қарши шаҳри Хонтепа маҳалласи худудида жойлашган мавжуд бино ва ишоолар ўрнида янгидан қуриладиган кўп қаватли турар жойлар массиви таъминоти лойиҳаси.

Қаршида реновация лойиҳалари муҳокама қилинди

Қаршида реновация лойиҳалар тақдими



Қарши шаҳрининг Хонтепа маҳалласида кенг қўламли реновация лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Лойиҳага кўра, 27 гектар ер майдонида замонавий кўп қаватли уйлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, тиббиёт, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари барпо этилади. Мазкур ишлар Президентнинг "Кўп квартиралли турар жой мажмуаларини қуришда комплекс қурилиш механизмларини жорий этиш ва шаффофликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида олиб борилади.

"Қашқадарё Инвест Компанияси" акциядорлик жамияти Бошқарув раиси, Қарши шаҳар ҳокимлиги ва қатор тегишли ташкилотлар мутасаддилари билан реновация худудида олиб борилаётган тайёргарлик ишлари юзасидан муҳокама ўтказилди. Ингилишда ишларни босқичма-босқич ва самарали ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди. Лойиҳа тақдимолатлари юзасидан тегишли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ушбу реновация лойиҳаси Президентнинг 2026 йил 24 февралдаги "Кўп квартиралли турар жой мажмуаларини қуришда комплекс қурилиш механизмларини жорий этиш ва шаффофликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан амалга оширилади. Президент қарорига кўра, Инвестиция компанияларига Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси билан келишилган ҳолда комплекс қурилиш худудининг батафсил режалаштириш лойиҳаси (мастер режаси) ва қуриш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш орқали лойиҳа ташкилотларини жалб қилиш ҳуқуқи берилган.

Ўз мухбиримиз.

Фахрийлар кенгашининг биринчи чорак натижалари кўриб чиқилди

Козим ТУЛЯГАНОВ,
Архитектура ва қурилиш
соҳасида Фахрийлар
кенгаши раиси.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 июлдаги "Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийларига қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 431-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг умумий йўғилиши билан тасдиқланган 2026 йилги иш режасига асосан, кенгашининг жорий йил I чоракда амалга оширган ишлари бўйича Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши аъзолари иштирокида навбатдаги йўғилиш бўлиб ўтди.



Унда 2025 йилда кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар натижалари юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга ҳисобот тақдим этилди. Жумладан, кенгаш томонидан "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида

мавжуд бўлган қурилиш ва лойиҳа ташкилотларидан бутунги кунга қадар 1563 дан зиёд архитектура ва қурилиш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар рўйхати шакллантирилган. 952 та ташкилот билан ишлар олиб борилиб, 611 таси билан ишлар давом этмоқда, 241 та ташкилотда эса фахрийлар мавжуд эмаслиги эътиборга олинди.

Қайд этилган ташкилотлардан кенгашга 1065 нафар фахрий номзод томонидан мурожаат қилинган. 908 нафар мурожаат эгаси комиссия томонидан фахрийлар таркибига қабул қилиниб, 157 нафарига рад жавоби берилди. Шундан, 2026 йилнинг I чоракда 204 та ташкилотга мурожаат этилиб, 53 тасидан 107 нафар номзоднинг мурожаати келиб тушди. Ишчи комиссияга номзодлар тўғрисида ҳужжатлар тақдим этилиб, 93 нафари комиссия томонидан фахрийлар таркибига қабул қилинди. 14 нафарига рад жавоб берилиб, 60 та ташкилотда фахрийлар мавжуд эмаслиги маълум қилинди.

Булардан ташқари, "устоз-шогирд" анъаналари асосида фахрийлар иштирокида республика бўйича соҳага оид жами 15 та олий таълим муассасаси билан 2025-2026 ўқув йили учун кўмаклаштириш бўйича режа графиги тасдиқланиб, мазкур ўқув йилида 276 мартаба турли мавзудаги тадбир ҳамда давра суҳбатлари ўтказилиши режалаштирилган эди.



Фахрийлар кенгаши аъзолари иштирокидаги йўғилиш

uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today



Фахрийлар кенгаши аъзолари иштирокидаги йиғилиш



Фахрийлар кенгашининг биринчи чорак натижалари кўриб чиқилди

Бугунги кунга қадар 224 мартаба 20 600 дан зиёд талаба иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди. Шундан, 2026 йилнинг биринчи ярмида 152 мартаба фахрийлар билан "устоз-шогирд" анъанаси асосида эркин мулоқотлар ўтказилиши режалаштирилган. Жумладан, жорий йилнинг I-чораги якунига кўра, 89 мартаба 8 600 дан зиёд талаба иштирокида тадбирлар ташкил этилди.

Шунингдек, кенгаш томонидан 676 та соғломлаштириш тадбирини ташкил этиш мақсадида 371 нафар фахрийни (I чорақда 70 та) дам олиши учун Касаба уюшмалари федерациясига ҳамда 305 нафарини дам олишга юбориш мақсадида (I чорақда 58 та) Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилиниб, фахрийлар дам олиш масканлари ва санаторияларга юборилди.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қуламли бунёдкорлик ишларида жонбозлик кўрсатиб, соҳа ривожини йўлида самарали меҳнат қилаётган моҳир қурувчилар, лойиҳачилар, архитекторлар, уста-мемюру муҳандислардан 350 дан зиёди кенгаш томонидан фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Аҳоли пунктларини архитектура-режалаштириш, шаҳарсозлик ва архитектура соҳасини ривожлантириш бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Васийлик кенгашига фахрийлар кенгаши аъзоларидан келиб тушган таклифларга асосан, 24 та, жумладан, 3 та қонун, 68 та норматив-ҳуқуқий ҳамда 84 та идоравий ҳужжатларга таклиф ва тавсиялар жамланмаси киритилди.

Таъкидлаш керакки, Устав талабидан келиб чиқиб, 2026 йилнинг I чорағида фахрийларнинг ижтимоий ва моддий ҳолатини яхшилаш, уларга маиший, тиббий, маданий ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш, амалга оширишда кўмаклашиш ҳамда ижтимоий суғурта ва соғлиқни сақлаш, фахрийларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида 40 га яқин кенгаш фахрийси билан давра суҳбатлари ўтказилди. Фахрийликка қабул қилинган номзодларнинг ҳаёти давомида амалга оширган ишлари ва соҳага қўшган ҳиссалари ҳақида оммавий ахборот воситаларида мақолалар чоп этилди.

2026 йилнинг II чорағида ҳам кенгаш томонидан фахрийларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўллаб ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Шиор эмас, амалий натижа: Мирзаободнинг янги қиёфаси

Бугун Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган "Қамбағалликдан фаровонлик сари" дастури нафақат иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш, балки инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечирлишини таъминлашга қаратилган стратегик аҳамиятга эга ҳужжатдир.

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида мазкур дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар бугун ўз мевасини бера бошлади.

Мирзаободда кечаётган ўзгаришлар шунчаки ҳисоботлардаги рақамлар эмас, балки аҳоли ҳаётининг аниқ ижобий натижаларидир. Маълумотларга кўра, биргина ўтган йилнинг ўзида Маҳаллаларни ривожлантириш жамғармасига келиб тушган 829 миллион сўмдан зиёд маблағнинг асосий қисми – қарийб 774 миллион сўми ижтимоий соҳа, инфратузилма объектларини таъмирлаш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилди.

– Кўпчиликда бу маблағлар туман қиёфасини қандай ўзгартирди, деган ҳақли савол туғилиши табиий, – дейди Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмаси Мирзаобод тумани бўлими бошлиғи Муҳиддин Мавлонов. – Биринчи навбатда, инфратузилма масаласига эътибор қаратдик. Туман ҳудудига 17 километрга яқин ички йўллар асфальтланди. Энг муҳими, "қоронғи кўча" тушунчасига чек қўйиш мақсадида 91 та замонавий тунги чироқ ва 88 та қуёш батареяли ёритиш ускуналари ўрнатилди. Сув таъминотидаги муаммолар ҳам босқичма-босқич ҳал этилиб, янги тармоқлар тортилди. Бироқ дастурнинг моҳияти фақат йўл ёки чироқ эмас. У, энг аввало, инсон тақдирига дахлдор.

Эҳтиёжманд оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш доирасида 12 та хонадон капитал таъмирланди, уларга қурилиш материаллари ва энергия тежамкор қуёш панеллари бепул ўрнатиб берилди. Масалан, Ш. Пардабоева хонадо-



Мирзаободнинг янги қиёфаси

нида ўрнатилган 3 кВт лик қуёш панели оиланинг электр энергияси учун харажатларини кескин камайтириш имконини берди.

Ишчиликни қисқартириш ва кам даромадли оилаларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш борасида ҳам тизимли қадамлар ташланди. Тумандаги 5 та маҳаллада намунавий тарзда "Маҳалла сервис компанияси" ташкил қилинди. Ушбу тузилмалар зарур техник ускуналар ва электр мотороллерлар билан таъминланиб, маҳаллалардаги ишчи ёшларни банд қилди. Ҳозирда улар аҳоли хонадонларига 20 дан ортиқ турдаги сервис хизматларини кўрсатмоқда.

– Томорқадан унумли фойдаланиш борасида Қодировлар ва Мирзаевлар оилаларининг тажрибаси таҳсинга лойиқ, – дейди М. Мавлонов ўза мухбири Ф. Примовга. – Биринчи иссиқхонада полиз маҳсулотлари етиштирилди, иккинчиси паррандачилик орқали рўзгорини бут қилмоқда. Бу рақамлар эмас, балки инсонларнинг ўз меҳнати билан қамбағалликдан чиқиб бораётганининг ҳаётий ифодасидир.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 17 та маҳаллада 143 мингдан ортиқ дархат қўчатлари экилиб маҳалла боғлари барпо этилди. Бу ҳудуднинг экологик барқарорлигини таъминлаш билан бирга, аҳоли учун соғлом муҳит яратишга хизмат қилади. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базаси янгиланди, бинолар бўтаъмирланиб, рақамли технологиялар билан жиҳозланди.

Мирзаободда амалга оширилаётган ушбу тизимли ишлар 2025-2026 йилларда минглаб фуқароларни қамбағалликдан чиқариш йўлидаги улкан мақсадларнинг бир қисмидир. Дастурнинг асосий мақсади фақат моддий ёрдам бериш эмас, балки аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ўргатиш ва ўз даромадини мустақил яратишга рағбатлантиришдир.

Зеро, "Қамбағалликдан фаровонлик сари" таъминоти – халқимиз розилиги ва келажакка бўлган ишончининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Энерго-самарадорлик масалалари муҳокама қилинди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "Иссиқликтаъминоти" АЖ ҳамда Энергия самарадорлиги миллий агентлиги ҳамкорлигида марказий иссиқлик таъминотига улаш имконияти бўлган республикадаги 390 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектини энергосамарадор технологиялар ёрдамида модернизация қилиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.



Лойиҳа доирасида вазир ўринбосари Озода Жўраева ҳамда соҳа мутасаддилари иштирокида навбатдаги ишчи учрашув ташкил этилди. Унда модернизация жараёнларини жадаллаштириш, амалий механизмларни тақомиллаштириш ҳамда устувор вазифаларни аниқ белгилаб олиш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Бугунги кунда энергосамарадорлигини ошириш – нафақат иқтисодий самарадорлиқни таъминлаш, балки экологик барқарорлиқни мустаҳкамлаш, энергия ресурсларини тежаш ва аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашнинг зарурий омили ҳисобланади.

Иссиқлик таъминоти тизимлари ва ижтимоий соҳа объектларини модернизация қилиш орқали иссиқлик йўқотишларини камайтириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва энергия тежаш бўйича тизимли чоралар кўриш мумкин. Бу эса, мамлакатимизнинг энергия хавфсизлигини мустаҳкамлаш, истеъмол харажатларини камайтириш ва яшаш муҳитини қулайлаштиришга хизмат қилади.

– Энергосамарадорлиқни ошириш – бу давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, аҳолининг муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, – деди Озода Жўраева. – Соҳада ҳар бир амалга оширилган модернизация ишлари мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига қўшилган катта ҳисса ҳисобланади.

Ўз мухбиримиз.



Қурилишда интеллектуал инқилоб замонавий бунёдкорликнинг янги босқичи

Бугунги кунда сунъий интеллект технологиялари инсон ҳаётининг барча жабҳаларига кириб борар экан, қурилиш ва бунёдкорлик соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Аксинча, мазкур соҳада Снинг амалий қўлланилиши энг тез ривожланаётган йўналишлардан бирига айланмоқда.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қолаверса, биз бугун нафақат янги бинолар, балки янги давр пойдевори қурилаётган замонда яшаймиз. Эндиликда оддий лойиҳалашдан тортиб, мураккаб инфратузилмаларни бошқаришга бўлган жараёнларда, яъни анъанавий услубда, асосан жисмоний меҳнатга таянган соҳа бугун "Ақли қурилиш" (Smart Construction) концепциясига ўтмоқда. Бу жараён лойиҳалашдан то бироқ биттунга қадар бўлган барча босқичларни тубдан ўзгартирмоқда.

Аввало, сунъий интеллект қурилишнинг

бошланғич босқичи бўлган лойиҳалаш жараёнига сезиларли ўзгаришлар киритди. Илгари архитекторлар томонидан қўлда ишлаб чиқилган чизмалар бугун алгоритмлар ёрдамида тезкор ва аниқ шакллантирилади. Масалан, "Autodesk" компаниясининг генератив дизайн шўъба корхонаси "Sidewalk Labs" томонидан ҳам Торонто шаҳрида амалга оширилган лойиҳа Снинг урбанистика соҳасидаги имкониятларини яққол намоян эпти. Ушбу ташаббус доирасида транспорт оқими, энергия тақсими ва шаҳар инфратузилмаси ягона рақамли тизим орқали бошқарилиши кўзда тутилган.

Қурилишнинг амалий жараёнларида ҳам сунъий интеллектнинг роли ортиб бормоқда. Бугунги кунда роботлар, дронлар ва автоматлаштирилган техникалар қурилиш майдонларида фаол қўлланилган. Жумладан, "Boston Dynamics" компаниясининг роботлари қурилиш объектларида мониторинг олиб бориб, хавфсизликни таъминлашда муҳим воситага айланган. Бу эса, инсон омили орқали келиб

чиқадиган хатоларни кескин камайтиради. Хусусан, дунё миқёсида СИ қурилишнинг энг оғир ва хавфли нукталарида инсон ўрнини эгаллаётгани қувонарли ҳолдир. Масалан, АКШнинг "Construction Robotics" компанияси томонидан яратилган "SAM100" роботи инсон меҳнатидан 5-6 баробар тезроқ гишт териш имконига эга. Бу технология нафақат вақтни тежайди, балки материал исрофини ҳам нолга туширади.

Хавфсизлик масаласида ҳам СИ беқиёсдир. Жумладан, "Suffolk Construction" компанияси СИ ёрдамида қурилиш майдонидagi бахтсиз ҳодисаларни башорат қилмоқда. Махсус тизим видеокамералар орқали ишчиларнинг каска тақиши ва баландликда боғланиш қоидаларини назорат қилиб, хавф даражасини олдиндан маълум қилади. Шунингдек, инновацион ёндашувлардан бири сифатида 3D-принтер ёрдамида уй қуриш технологияси ҳам жадал ривожланмоқда. "ICON" компанияси томонидан ишлаб чиқилган усул орқали қисқа муддат ичида арзон ва сифатли уйлар бунёд этилмоқда. Ҳатто Дубайда "Apis Cor" технологияси асосида дунёдаги энг катта 3D-босма бино қад кўтарди. Бу эса, ишчи кучини 50 фоизга, чиқиндини эса 60 фоизга камайтириш имконини берди. Ушбу жараёнлар, айниқса, ижтимоий уй-жой дастурларида катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналишда муайян қадамлар ташланмоқда. Хусусан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан қурилиш соҳасини рақамлаштириш, жумладан, BIM технологияларини жорий этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган замонавий турар жой мажмуаларида рақамли моделлаштириш тизимлари қўлланилаётгани эътиборга лойиқ. Бу эса, қурилиш жараёнини бошидан охиригача ягона платформада бошқариш имконини беради.

Жумладан, яқинда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида сунъий интеллектдан фойдаланиш йўлга қўйилди. "Шаффоф эксперт" деб номланган ушбу виртуал ёрдамчи <https://ai.shaffofoqrilish.uz> манзилда жойлашган бўлиб, фойдаланувчиларга 24/7 режимида тезкор маълумот тақдим этади. Мазкур тизим орқали фойдаланувчилар Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ) ҳамда Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК) бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга қисқа вақт ичида жавоб олишлари мумкин.

Бугунги кунда Tashkent city ва Янги Тошкент каби йирик лойиҳаларда эса BIM (Building Information Modeling) технологиялари кенг қўлланилмоқда. Ушбу тизим сунъий интеллект алгоритмлари ёрдамида бинонинг бутун ҳаётий циклини, яъни лойиҳадан тортиб, эксплуатациягача бўлган жараённи рақамли моделлаштирилади. Шунингдек, маҳаллий йирик девелоперлар дронлар ёрдамида ҳудудни сканерлаш ва СИ орқали ер ишлари ҳажмини ҳисоблаш усуллари оммалаштирилмоқда. Бу эса, сметадаги хатolikларни 15-20 фоизгача камайтиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, сунъий интеллектни жорий этишда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, маҳаллий мутахассислар етишмаслиги, технологик инфратузилманинг тўлиқ шаклланимаганлиги ва юқори бошланғич харажатлар ушбу жараённи секинлаштирувчи омиллар сифатида қўрилмоқда. Бироқ глобал тенденциялар шуни кўрсатадики, бу муаммолар вақт ўтиши билан ўз ечимини топади.

Таҳлилларга юзланадиган бўлсак, қурилишда сунъий интеллектнинг жорий этилиши учта асосий муаммони – вақт самарадорлиги, сифат назорати ва экологик барқарорлиқни ҳал қилади. Лойиҳалаш жараёнида юзлаб вариантлар ичидан энг мақбул ва энергиятежамкор ечимни СИ бир неча дақиқада топиб беради. Бетоннинг қотиш даражасидан тортиб, арматура зичлигигага сенсорлар орқали аниқ ўлчанади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сунъий интеллект қурилиш ва бунёдкорлик соҳасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқмоқда. У нафақат самарадорлиқни оширмоқда, балки инсон учун хавфсиз, қулай ва экологик муҳит яратишга хизмат қилмоқда. Демак яқин келажакда "ақли қурилиш" тушунчаси ҳар бир шаҳар ва ҳар бир уй учун оддий ҳолга айланиши, шубҳасиз.

Шундай экан, сунъий интеллект бу шунчаки тренд эмас, балки давр талабидир. Хорийий тажриба кўрсатганидек, технологияларга сармоя қиритган компаниялар борозда етакликни қўлга киритмоқда. Ўзбекистон учун эса бу нафақат замонавий бинолар қуриш, балки соҳадаги шаффофликни таъминлаш ва халқаро стандартларга чиқиш учун энг қисқа йўлдир. Эртанги куннинг бинолари нафақат гишт ва бетондан, балки ақли кодлар ва маълумотлар таҳлиладан ҳам иборат бўлмоқда.

▼ "Valley" русумли ёмғирлатиб сугориш ускуналари



“Valley” технологияси – қуруқ иқлимнинг тизимли ечими

Сув энг муҳим ресурс, айниқса, қишлоқ хўжалигининг жон томирдир. Бугунги глобал иқлим ўзгариши ва сув захирасининг ўзгараётгани ҳар бир томчи сувдан оқилона фойдаланишга ундайди. Шунингдек, замонавий сугориш техникаларини жорий этиш аграр соҳа истиқболини белгилайди. Айнан шу мақсадни кўзлаган ҳолда, Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигини тубдан модернизация қилиш, далаларга аъъанавий усуллардан воз кечиб, энг илғор ёмғирлатиб сугориш технологияларини олиб кириш бўйича кенг қўламли ишлар бошланди.



“Valmont Industries” компанияси вакиллари билан учрашув

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бу жараёнда жаҳон бозорига ўз ўрнига эга бўлган технологик гигантлар ва нуфузли молиявий институтлар билан ҳамкорлик ўрнатилмоқда. Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов АҚШ Экспорт-импорт банки (US EXIM Bank)нинг минтақавий менежери Жоҳн Аҳн ҳамда машҳур “Valmont Industries” компанияси вакиллари билан учрашиб, ушбу йўналишдаги муҳим масалаларни муҳокама қилди.

Вилоятда сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш орқали ҳосилдорликни ошириш ва йирик инвестицион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш масалалари ўрганилди. АҚШлик ҳамкорлар томонидан тақлиф этилаётган “Valley” русумли ёмғирлатиб сугориш машиналари тупроқ унумдорлигини сақлаш ва сув сарфини бир неча баробар камайтириш имконини беради. Мазкур тизимлар автоматлаштирилган бошқарув технологиялари билан ҳам бутун дунёда танилган.

Ҳозирги вақтда “Valmont Industries” билан ҳамкорликда Бухоро вилоятининг Пешку, Гиждудов ва Қоровулбозор туманларида 10 минг

гектар майдонни қамраб олувчи йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, келгусида замонавий сугориш тизимлари ўрнатиладиган майдонлар ҳажмини 100 минг гектаргача етакчилик режалаштирилган. Лойиҳанинг муваффақияти нафақат янги техникаларни ўрнатиш, балки уларни барқарор молиялаштиришга ҳам боғлиқ. Шу боис, учрашувда US EXIM Bank билан ҳамкорликда лойиҳани молиявий қўллаб-қувватлаш ва аграр инфратузилмани ривожлантириш истиқболлари атрафлича кўриб чиқилди.

Ушбу ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги учун янги босқични бошлаб беради. Зеро, “Valmont Industries” каби 5 қитъада 22 дан ортиқ заводга эга глобал етакчининг тажрибаси вилоятнинг қургўқчил иқлимида юқори натижаларга эришишга хизмат қилади. Центр Пивот (марказий ўқли) ва фронтал сугориш тизимларининг жорий этилиши натижасида сувни исроф қилмасдан, бевосита ўсимлик илдирига ва барғига метёрида етказиш имкони яратилади.

Учрашув якунида томонлар инновацион технологияларни ҳаётга татбиқ этиш ва инвестицион лойиҳаларни босқичма-босқич кенгайтириш бўйича ўзаро келишувга эришдилар.

Канализация тизимидан фойдаланиш қоидаларини биласизми?

▼ Оқова сув тозалаш жараёни



Юртимизда оқова сувларни йиғиш, узатиш ва тозалаш тизимини самарали ташкил этиш ҳамда унинг узлуksиз фаолиятини таъминлаш мақсадида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2026 йил 1 март ҳолатига кўра, мамлакат бўйича жами 255 та оқова сув тозалаш иншооти фаолият юритмоқда.

Мазкур иншоотларнинг 63 таси йирик, 192 таси эса локал тозалаш иншоотлари ҳисобланади. Шунингдек, 10 309 километр узунликдаги оқова сув тармоқлари мавжуд бўлиб, юқоридаги воситалар орқали оқова сувларни тозалаш хизматлари кўрсатилмоқда.

Оқова сувларни тозалаш иншоотлари аҳоли ва саноат объектларидан ҳосил бўладиган ифлосланган сувларни зарарли аралашмалардан тозалаш, уларни атроф-муҳитга хавфсиз ҳолда чиқариш ёки қайта фойдаланиш учун тайёрлашга хизмат қилувчи муҳим технологик мажмуалардир. Тозалаш жараёни одатда механик, биологик ва дезинфекция босқичларидан иборат бўлиб, ҳар бир босқич сув сифатини белгиланган талабларга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий тозалаш иншоотларида оқова сувлар бир неча кетма-кет босқичларда тозаланади.

- **Механик тозалаш босқичи** – бунда дастлаб панжаралар орқали йирик чиқиндилар ушлаб қолинади. Сўнг кум тутқичлар орқали кум, тупроқ каби оғир зарралар ажратилади. Тиндирувчи ҳовуларда эса майда, оғир фракциялар чуқтирилиб, сувнинг дастлабки тозаланиши таъминланади.
- **Биологик тозалаш босқичи** – бу энг муҳим жараёнлардан бири бўлиб, унда сув таркибидagi органик чиқиндилар микроорганизмлар ёрдамида парчаланadi. Бунда махсус фаол лойқа (микроорганизмлар мажмуаси) органик моддаларнинг биологик парчланишини таъминлайди. Жараён асосан аэротенкларда – кислород билан бойитилган муҳитда амалга оширилади. Натижада сувдаги асосий органик ифлослантувчилар сезиларли даражада камаяди.
- **Якуний босқич** – бу зарарсизлантириш (дезинфекция) босқичи ҳисобланиб, унда сув таркибидagi касаллик кўзгатувчи микроорганизмлар йўқ қилинади. Жумладан, бунда хлорлаш, ультрабинафша нурулар билан ишлов бериш, озонлаш усуллари қўлланилади.

Афсуски, бугунги кунда соҳада учраётган асосий муаммолардан бири – канализация тизимидан фойдаланиш маданиятининг етарли даражада шаклланмаганидир. Амалиёт шуни кўрсатадики, тизимдаги кўплаб носозликлар ва тиклишлар инфратузилманинг эскирганлиги билан эмас, балки нотўғри фойдаланиш оқибатида юзага келмоқда.

Канализация тармоқларига қуйидаги турдаги чиқиндиларни ташлаш қатъиян ман этилади:

- **Қаттиқ маний чиқиндилар**, жумладан, нам салфеткалар ва бошқа гигиена воситалар, тагликлар канализация тизими учун энг хавfli чиқиндилар сирасига киради. Хусусан, улар синтетик толалардан тайёрланган бўлиб, сувда эримайди ва қувурлар ичида тўпланиб, йирик тиклишларни ҳосил қилади.
- **Озиқ-овқат қолдиқлари**, ёғ-мой маҳсулотларини раковина ёки бошқа оқова тизимларга тўкиш қатъиян ман этилади. Сабаби, ёғлар совуқ муҳитда қотиб, қувур деворларига ёпишади ва вақт ўтиши билан уларнинг ички диаметрини торайтиради. Бу эса, сув оқимининг секинлашуви ва охир-оқибат тўлиқ тиклишга олиб келади. Шунингдек, гуруч, макарон каби сувда шишадиган маҳсулотлар ҳам тиклишларнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.
- **Қурилиш чиқиндилари** – таъмирлаш ишлари вақтида ҳосил бўладиган цемент, кум, гипс ва бошқа қурилиш материалларини канализация тизимига тушириш мутлақо мумкин эмас. Ушбу моддалар қувурлар ичида қотиб, мустаҳкам қатлам ҳосил қилади. Бундай ҳолатда тизимни оддий усулда тозалашнинг имкони бўлмайди ва кўпинча қувурларни тўлиқ алмаштиришга тўғри келади.
- **Дори воситалари**, кимёвий ва захарли моддалар, хусусан, антибиотиклар, шунингдек, бўёқлар оқова сув тозалаш иншоотларидаги фойдали микро-организмларга салбий таъсир кўрсатади. Оқибатда биологик тозалаш жараёни издан чиқади. Оқова сувни сифатли тозалаш имконияти пасаяди ва атроф-муҳитга зарар етказиш хавфи ортади.

Умуман олганда, юқорида таъкидлаб ўтилган чиқиндилар қувурларда тиклишларни келтириб чиқаради, ускуналарнинг ишдан чиқишига сабаб бўлади ҳамда тозалаш иншоотларидаги биологик жараёнларга салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, ҳар бир истеъмолчи канализация тизимидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя этиши лозим.

Ўз мухбиримиз.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига тақлиф этади!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 6 январдаги 1-сонли буюртманомасига асосан, “O'zbekiston bunyodkori” газетасининг 2026 йил 16 январдаги 1 (954)-сон ва “Qishloq hayoti” газетасининг 2026 йил 15 январдаги 2 (9374)-сонда чоп этилган эълонлардаги савдо шохобчаларининг нархлари ўзгариши сабабли қуйидаги жадвал асосида ўқилишини ва бошқа эълонда кўрсатилган “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи ўзгариши эълон савдолари ўтказилишини билдиради.

Асос: “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 08 апрелдаги 140-сонли буюртманомаси.

№	Савдо шохобчаларининг асосий тафсиллари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	44-29-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	74 160 000
2.	44-30-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	74 160 000
3.	44-31-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	74 160 000
4.	44-32-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	74 160 000
5.	21-1-6-сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	92 700 000
6.	21-1-7-сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	92 700 000
7.	21-1-8-сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	92 700 000
8.	21-1-9-сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	92 700 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Тақлифларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2026 йил 22 апрель куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг тақлифлари 2026 йил 24 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори тақлифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу кун бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2026 йил 7, 21 май, 4, 18 июнь, 1, 15, 29 июль кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солиingan тақлифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун арза топширувчига қадар тўлашлари шарт. 2026 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмасор филиали МФО 0121 СТИР 311 041 441.

Тақлифи маълум топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй. Телефон: (71) 237-23-82.

“Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

“Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2026 йил 30 апрель куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 11.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси 53-уйда жойлашган “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: Chiroqchিপaxta.uz

Кун тартибидagi масалалар:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг акциядорларининг 2026 йил 30 мартдаги хатида кўрсатилган масалани кўриб чиқиш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантирилган сана – умумий йиғилишнинг ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2026 йил 8 апрель ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида

қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (йиғилиш ўтказилмаган санадан 3 (уч) иш куни олдин) 2026 йил 24 апрель ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносидан танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 153-уй.

Электрон почта: chiroqchিপaxta@mail.ru
Тел.: (99) 742-48-78, (94) 339-48-78, (93) 247-85-48.

“Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти

балансидаги бино-иншоотлар ва бошқа мол-мулкларни ҳамда жамиятнинг 1 дона акциясининг бозор қийматини аниқлаш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни экспертизадан ўтказиш мақсадида мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилиши ҳақида

ЭЪЛОН!

“Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2026 йил 7 апрелдаги 2-сон йиғилиш қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти заводи ва унга қарашли “Еттигим” ва “Ф. Ҳўжаев” пахта тайёрлов масканларининг бино-иншоотлари ва бошқа мол-мулкларни ҳамда жамиятнинг 1 дона акциясининг бозор қийматини аниқлаш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш учун баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилинади.

“Чироқчи пахта тозалаш” АЖ устав фондида давлат улуши мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар жамиятга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

- баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
- ташкилот уставы (барча ўзгартриш ва қўшимчалар билан) нусхаси;
- ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

– баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кўча кирганини тасдиқловчи суғурта полиси нусхаси;- баҳолаш ҳамда экспертиза ишининг бажарилиш мuddати ва хизмат ҳақи миқдори кўрсатилган тижорат тақлифи;
- лицензияловчи орган томонидан берилган баҳолаш ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларнинг малака сертификати нусхаси.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари тикланган ҳолда ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Тижорат тақлифларини 2026 йил 20 апрель соат 16.00 га қадар қуйидаги манзилга юбориш сўралади: Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 153-уйда жойлашган “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ маъмурий биноси. Маълумот учун телефонлар: 99-742-48-78, 94-339-48-78, 93-247-85-48.

▼ Ҳазрати Хизр масжиди



Ҳазрати Хизр масжиди – шарқ меъморчилигининг юксак намунаси

Самарқанд нафақат тарих, балки маънавият ва меъморчиликнинг ҳам бетакрор уйғунлигини намоеън этувчи шаҳардир. Ана шу қадимий шаҳарнинг энг улуғ зиёратгоҳларидан бири – Ҳазрати Хизр масжиди ҳисобланади. У нафақат диний аҳамияти, балки тарихий ва меъморий қиймати билан ҳам алоҳида ўрин тутаети.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Тарихий манбаларга кўра, мазкур масжид VIII асрда араб кўмондони Қутайба ибн Муслим томонидан барпо этилган. Бу жиҳат уни Самарқанддаги илк мусулмон масжидларидан бири сифатида эътиборга олишга асос беради. Аввалги оташпарастлик ибодатхонаси ўрнида қурилгани эса бу маконнинг маънавий трансформацияси билан бир қаторда эътиқодлар алмашинуви жараёнини ҳам яққол акс эттиради.

Ҳазрати Хизр номи билан аталиши эса исломий анъаналардаги абадий ҳаёт ва ҳидоят рамзи бўлган муқаддас шахс – Ҳазрати Хизр билан боғлиқдир. Бу эса масжидга алоҳида руҳий мазмун бахш этади.

Шарқона нафосат

Ҳазрати Хизр масжиди ўзининг ноёб меъморий услуби билан ажралиб туради. Масжид тепаликда жойлашган бўлиб, у ердан Самарқанднинг кенг манзараси намоеън бўлади. Бу жойлашув нафақат стратегик, балки рамзий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, юксакликни ифода этади.

Масжиднинг айвони, устунлари ва безаклари анъанавий шарқ меъморчилигининг энг гузал намуналарини ўзида мужассам этган. Айниқса, ранг-баранг нақшлар, ўйма ёғоч устунлар ва миллий орнаментлар унинг эстетик қийматини оширади. XIX-XX асрларда амалга оширилган қайта тиклаш ишлари натижасида масжид ўзининг хозирги кўринишига эга бўлган.

Жумладан, 1854 йилда Бухоро амири Амир Музаффархон томонидан қайта тиклангани ҳақидаги мрамор ёзув тарихий давомийликни тасдиқлайди. Кейинчалик 1899 йилда айвон ва дарвозахона, 1916-1917 йилларда эса минора ва кириш қисми қайта қурилган. Бу ўзгаришлар масжид архитектурасида турли давр услубларининг уйғунлашганини кўрсатади.

Дизайн ва маъно уйғунлиги

Масжид дизайнидаги асосий хусусият бу – соддалик ва маънавий чуқурликнинг уйғунлигидир. Унда ортиқча ҳашаматдан кўра, ички руҳий муҳитга урғу берилган. Мехроб ва хонақоҳдаги ёзувлар, геометрик ва исломий нақшлар инсонни тафаккурга чорлайди.

Шунингдек, масжид ёнида жойлашган Арзис кудури ҳам алоҳида аҳамиятга эга. У қайта тикланиб, тарихий қиёфасига қайтарилгани бу ернинг нафақат архитектура, балки табиий-муқаддас муҳит сифатида ҳам қадрлинишини кўрсатади.

Мустақиллик даврида янги ҳаёт

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий меросга бўлган эътибор янада кучайди. Ҳазрати Хизр масжиди ҳам давлат раҳбарияти қўллаб-қувватлови билан бир неча бор муҳамал таъмирланди. Бу эса, унинг нафақат ўтмиш ёдгорлиги, балки бугунги маънавий ҳаёт маркази сифатида ҳам аҳамиятини оширди.

Ҳазрати Хизр масжиди бу олдий ибодат жойи эмас, у Самарқанднинг кўп қатламли тарихи, диний эътиқодлар эволюцияси ва шарқ меъморчилигининг юксак намуналарини ўзида мужассам этган ноёб мажмуа ҳисобланади. Унинг деворлари орасида асрлар садоси, айвонда эса маънавият нафаси мужассам. Бугунги кунда мазкур масжид нафақат зиёратгоҳ, балки миллий ўзлик, тарихий хотира ва маданий мерос рамзи сифатида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Келажак ҳуқуқшуносининг бугунги қадамлари

Элёрбек Раҳматиллаев сўнгги йилларда ҳуқуқ соҳасида академик ютуқлари, халқаро тажрибаси ва инновацион ташаббуслари билан эътибор қозонаётган ёш мутахассислардан бири ҳисобланади.

Дияра ТОШПҲАТОВА,
журналист.

У Тошкент давлат юридик университетда тахсил олаётган даврида Street Law лойиҳасида фаол иштирок этиб, мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тарғибот ишларини олиб борди. Шу билан бирга, Ёш олимлар кенгаши аъзоси сифатида илмий фаолият билан шуғулланди. Бакалавр босқичини яқунлар экан, у нуфузли Stipendium Hungaricum грантини қўлга киритиб, Венгрияда магистратура босқичида тахсил олди.

Кейинчалик АҚШнинг "Penn State" университетда LL.M. дастурини давом эттирди. Унинг "Minority Shareholder Protection in Uzbekistan and the United States. Lessons from U.S. Case Law for Emerging Markets" мавзусидаги илмий тадқиқоти алоҳида эътиборга эришти. Scientific Academy томонидан "Эл-юрт фахри" халқаро эсдалик нишони билан тақдирланди. Магистратура босқичидан сўнг, у фаолиятини корпоратив ҳуқуқ ва низоларни муқобил ҳал этиш йўналишига қаратди. 2026 йил 24 февралда Тошкент медиация маркази томонидан ўтказилган танловдан муваффақиятли ўтиб, медиаторлик сертификатини қўлга киритди.

Э. Раҳматиллаев, шунингдек, lex-el.com легал технология платформасига асос солган. Мазкур лойиҳа корпоратив ҳуқуқий муносабатларда аниқ ва тизимли юридик ёрдам кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, сўнғий интеллект асосидаги чатбот орқали фойдаланувчиларга мослаштирилган маслаҳатлар тақдим этади. Лойиҳа АҚШ компанияси билан инвестицион ҳамкорлик асосида ривожлантирилмоқда. Хозирда уни кенгайтириш ҳамда амалий тизимларга интеграция қилиш устида иш олиб борилаяпти. Хусусан, АҚШнинг Калифорния штатида жойлашган Boss Security Screens SFV LLC компанияси билан инвестиция шартномаси тузилган бўлиб, ҳамкорликнинг асосий мақсади – LEX-EL.com платформасини мазкур компаниянинг кун-



далиқ операцион тизимига интеграция қилишдан иборат.

Ушбу компания АҚШда хавфсизлик технологиялари, жумладан, кузатув камераларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳамда мижозлар билан ишлаш жараёنларини оптимallasштириш мақсадида сўнғий интеллект асосида автоматlasштирилган чатбот тизимларини жорий этишни режалasштирган.

Платформа АҚШ ҳуқуқи, хусусан, суд амалиёти (case law) асосида шакллантирилган билимлар базасига таянган ҳолда ишлайди. Бу эса, айниқса, бизнес субъектлари учун ишончли ва амалий воситага айлантиради. Бундан ташқари, тизим компанияларнинг ички ҳуқуқий рискларини аниқлаш, мижозлар билан тузиладиган шартномаларни дастлабки таҳлил қилиш ва муаммоли вазиятларда тезкор юридик йўналиш бериш имкониятига эга. Шу жиҳатдан, LEX-EL.com нафақат маслаҳат беришни восита, балки корпоратив бошқарув ва compliance жараёнларини қўллаб-қувватловчи инновацион ечим сифатида баҳоланмоқда.

Мазкур лойиҳа Элёрбек Раҳматиллаевнинг ҳуқуқ ва технология интелектуал қилиш бора-сидаги амалий ёндашувини яққол намоеън этади ҳамда унинг корпоратив ҳуқуқ соҳасидаги экспертизини реал бизнес муҳитида қўллай олиш салоҳиятини тасдиқлайди.

Фахрийлар Масъулиятли ва жонкуяр устоз

Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши аъзоси Рустам Рўзиев 1957 йилда Тошкент шаҳрида зиёли оилада таваллуд топган.

Шерзод НИЗАМОВ,
Архитектура ва қурилиш соҳаси
Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.



У 1980 йил Тошкент темир йўллар муҳандислари институтининг Темир йўллар қурилиши ва темир йўл хўжалиги муҳандис-қурувчиси мутахассислиги бўйича тамомлаб, иш фаолиятини 1980 йилдан "Ташгипротранс" транспорт бўйича бош лойиҳа кидирув институтининг Кидирув ва темир йўлларни лойиҳалаш бўлимида бошлаган.

Рустам Рўзиев фаолияти давомида ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги ва масъулияти билан жамоадошларига намуна бўлиб келмоқда. Атрофдагиларга самимий муносабати ва ишга бўлган сидқидиллиги туфайли ҳамкасбларининг ҳурматини қозонган.

Бугунги кунда қурилиш-бунёдкорлик соҳаси ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаятган малакали устоз 46 йиллик иш тажрибасига эга. Хусусан, 1980-1997 йилларда "Ташгипротранс" институтининг Темир йўлларни лойиҳалаш ва кидирув бўлимида катта муҳандис-қидирувчи, қидирув отряди бошлиғи, қидирув партияси бошлиғи, қидирув экспедицияси бош муҳандиси, гуруҳ бошлиғи, лойиҳа бош муҳандиси ҳамда бўлим бошлиғи каби масъулиятли вазифаларда ишлаб, тажриба орттирган. 1997 йилдан бугунги кунга қадар "Boshtransloyiha" акциядорлик жамиятида бош директор лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу йиллар давомида у темир йўл қурилиши соҳасига оид бир қанча объекتلарни лойиҳалаштириш ишларига раҳбарлик қилди. "Тошгузор-Бойсун-Кумқўрғон" ва "Бухоро-Мискин" ҳамда электрлаштирилган "Ангрен-Поп" темир йўл линиясини қуриш, "Мароканд-Навоий-Бухоро" участкасидаги юк йўлини электрлаштириш, Тошкент шаҳрида ер усти халқа метро линиясини қуриш, "Поп-Наманган-Андижон" темир йўл линиясини электрлаштириш, Тошкент шаҳар Паркент кўчаси ва Махтумқули (Тараққиёт) кўчалари кесимида уч погонали транспорт тугунини қуриш, "Бухоро-Урганч-Хива" ва "Мискин-Нуқус" темир йўл линиясини электрлаштириш, "Самарқанд-Навоий-Бухоро" йўналиши бўйича юқори тезликда харакатланувчи иккинчи темир йўлини қуриш ва электрлаштириш, Урганч шаҳрида Ислам Каримов ва

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 10-13 апрель саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иқтисодий ислохотлар ва стратегик режалаштириш бўлими бош мутахассиси **Бобур Бекмуродов**, Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси **Очилбой Низо-мов**, Шаҳарсозликда имконияти чекланган шахслар манфаатлари таъминланишини мувофиқлаштириш, энергия самардорлик ва экологик дипломатия бўлими бош мутахассиси **Азиз Муҳаммадқулов**, Халқаро ҳамкорлик ва Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш ҳамда ДХШ ва инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бошқармаси бош мутахассиси **Абдукарим Саматов**, Ҳўжалик ишлари бўлими бошлиғи **Ақбар Мирзакаримов**, Давлат архитектура назорати департаменти (Тошкент вилояти бўйича) бош мутахассиси **Аббос Зиёев**,

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Бухгалтерия бўлими етакчи мутахассиси **Шахриёр Бозоров**,

"Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi" ДМ директори **Шихназар Атаджанов**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти етакчи мутахассиси **Муниса Ёқубжоновна**,

"Qishloqqurilishloyiha" ДМ бош лойиҳа кидирув институти бош муҳандиси **Сухроб Хусенов**,

"Ўзоғирсаноатлоийиха" АЖ СМО етакчи мутахассиси **Данияр Темирханов**,

"O'zshaharsozlik LPT" ДМ Йўл ва худудларни муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими лойиҳа бош архитектори **Гўзал Тулганова**, Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 6-устахонаси техникни **Абдуолиджон Тўраев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва худудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси етакчи мутахассиси **Ерназар Мамитов**,

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Мурожатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси бошлиғи **Ботиржон Муҳаммаджонов**,

Қашқадарё вилояти Косон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва мутахассиси **Асқар Рустамов**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси ҳайдовчиси **Бахтиёр Курбонов**,

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Бюролмачилар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси **Зокиржон Икромов**,

"Иссиқлик таъминоти" АЖ Юридик бўлим бошлиғи **Ҳамдамбек Расулов**, "Андижон" вилояти филиали қоровули **Абду-мажид Тургунов**, Диспетчерлик хизмати назоратчи оператори **Муродилло Зокиров**, Тошкент вилояти "Иссиқлик таъминоти" МЧЖ бош бўлхалтер ўринбосари **Абдураимов Абдувоҳид**, Юридик бўлими ёрдамчи юристконсульт **Алишер Расулматов**, "Янгийўл шаҳар" филиали электрзапайвандчиси **Жониев Назарметов**, РК-1 қозонхона қоровули **Қудратилла Маҳкамбаев**, "Нуробод" филиали қоровули **Тўлқин Азимов**, "Ангрен" шаҳар филиали диспетчери **Гулчехра Алматова**, иссиқлик истеъмолчи нозири **Санжар Абдиев**, "Чирчиқ" шаҳар филиали назоратчиси **Нилуфар Қолмуратова**, кимёгар **Гавҳар Тўрақулов**, ҳовлибон **Абдуҳамид Тўрақулов**, Уз6-2 к/оператори **Акрам Мурзатаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги "Tungish Imarat Servis" БСК МЧЖ бош директори **Дамир Қудойназаров**, Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги "Ширин сити коммунал" БСК МЧЖ бош директори **Раъно Бекмуратова**, Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманидаги "Do'stobod Clean City" БСК МЧЖ бош директори **Бахтиёр Рустамов**, Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги "Kommunalchi servis" БСК МЧЖ бош директори **Ҳикмат Узоқов**,

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Al-Firdavsiy-Nur-Kommunal" УЖМШ бошлиғи **Жасур Тиллаев**, Чилонзор туманидаги "Indigo-Kommunal" УЖМШ бошлиғи **Кариев Степанян**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!



Тахрир хайъати:
Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Тулганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райхона Жўраева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ мутасислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
"ЎзАШКЛИТИ" МЧЖ,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Худудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.

Бухоро вилояти: 99-704-66-69.

Жиззах вилояти: 99-525-30-05.

Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.

Навоий вилояти: 99-731-17-40.

Наманган вилояти: 91-365-07-36.

Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.

Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.

Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.

Фарғона вилояти: 90-349-55-56.

Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бюрогма – Г-441. 1336 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 22.20.